

ШОЛИ ЎСИМЛИГИНИ КЎЧАТ УСУЛИДА ЕТИШТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

¹Хурматой Рафиқжонова Жураева

²Қ.х.ф.ф.д (PhD) доцент,

²Шахнозахон Зафарбек қизи Ахмаджонова

²Талаба.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273350>

Annotatsiya

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги юритиш тизимини ривожлантириш мақсадида кузги буғдойдан кейин шолнинг ўртапишар “Искандар” ва “Тарона” навларини кўчат усулида экиш муддати, схемаси, кўчат сонини ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлик ва унинг сифатига таъсирини аниқлаш ҳақида маълумот берилган.

Kalit so'zlar: Ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлар, шолнинг ўртапишар “Искандар” ва “Тарона” навлари, кўчат усулида етиштиришдаги экиш схемалари, кўчат сони ва экиш муддатлари.

Давлатимизнинг аграр сиёсати, Республика қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳамда саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ҳамда аграр соҳаси ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олишга қаратилган. Бунга эришиш учун илмий асосланган ҳолда аниқ қишлоқ хўжалигини юритиш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш ҳамда экин туридан юқори, сифатли маҳсулот етиштириш талаб этилади. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш асосларини халқаро талаб ва тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиш ер, сувлардан фойдаланишнинг самарали усуллари ва технологияларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда қўллашни тақозо этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги, харорат ва шўрланишни ортиб бориши, эртага бошоқли дон экинларидан кўзланган ҳосилни етиштириш катта муаммо бўлиб қолиши бугундан билиниб қолмоқда.

Дунё амалиётини таъкидлашча бундай шароитда шолни экин асосий экин турларидан ҳисобланиб, Ўзбекистонда шурланган млн гектар етиштириладиган шолчилик ҳам узоқ тарихга эга булиб, муҳим тармоқ ҳисобланади ва аҳолининг асосий асосий озиқ-овқат ресурсларидан биридур.

Бунга ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратиб, шолни етиштириш ҳамда харид қишнинг ягона тизимини шакиллантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017

Йил 27 октябр кунда давлат эхтиёжлари учун шоли харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Шунинг билан биргаликда Ўзбекистон шолчилик илмий тадқиқот институти қайта ташкил этилди. Бу эса шолчиликни янада ривожлантиришга янги имкониятларни очади.

Шуни ғурур билоан таъқидлаш лозимки Мамлакатимизда фақат маҳаллий шоли навлари экилиб улар халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериб, қимматли навлар қоторидан ўрин олган.

Шолчилкнинг бугунги ҳолати ва истиқболи қандай? деган савол туғулиши табиий ҳолдир. Сўнги расмий маълумотларга кўра жами 94.3 минг гектар майдонда шоли этиштирилиб, янги ҳосил 346.3 минг тонна ташкил этган. Уни аҳоли жон бошига тақсимласак, талаб даражасида эмаслиги намоён бўлади. Чунки бугунги кунда аҳоли жон бошига 9-11 кг шоли этиштирмоқда.

Осиё Давлталарида жон бошига 100-200 кг хаттоки 400 кг гача гуруч этиштирилса, бу кўрсаткич европа мамлакатларида 50-70 кгни ташкил этади. Респбликамизда шолчиликдаги ҳолат бугунги кун талабига жавоб бермайди. Демак, Республикада бу йўналишда катта муаммо ва вазифалар мавжудлигини таъқидлайди десак, бу айни ҳақиқат.

Бундан ташқари Президентимизнинг “Шоли этиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2021 йилда жами шоли майдонларининг камида 20 фоизда шолени кўчатлаб экиш, 50 фоизда лазер ускуналари ёрдамида ер текислаш тизимини жорий этиш, 30 фоизда шолени замонавий уруғ сеялқалари орқали экиш, 2022 йилда эса бу кўрсаткичларни янада ошириш кўзда тутилган. Бугунги кунда мамлакатимизда 100-110 минг гектар майдонда шоли экилиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 35-38 центнерни, ялпи ҳосил 395 минг тоннани ташкил этмоқда. Ушбу миқдор мамлакатимизнинг кун сайин ортиб бораётган аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган гуручга бўлган талабини минимал даражада қондира олмоқда, ҳолос. Расмий маълумотларга кўра, аҳоли талабини тўлиқ таъминлаш учун ҳар йили 55 минг тонна атрофида гуруч маҳсулоти импорт қилинмоқда. Республикаимизда шолдан юқори ҳосил олиш, аҳолининг гуруч маҳсулотига бўлган талабини қондириш ва импорт қилинаётган миқдорини камайтириб валюта тежаш мақсадида тупроқ-иқлим шароитларига чидамли, сифатли дон кўрсаткичларига эга бўлган, юқори ҳосил берадиган навларни жойлаштириш, уларни этиштиришда юқори самарали ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан маҳаллий шолчилик асосларини илмий, назарий жиҳатдан қайта кўриб чиқш, халқаро илмий фан ютуқларин қўллаш ва илғор усул ва технологияларини кенг жорий этиш Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатимиз

қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича қўйилаётган устувор йўналишларга мос келади.

Шоли ер юзи ахолиси учун қадимий ва қимматбаҳо экин туридан бўлиб, hozirda хосилдорлигини муҳум равишда ортиб бориши бўйича етказилик қилади ва тупроқ иқлим билан турли усулларда экиб етиштирилади.

Мазкур муаммоларни таҳлил қилсак, биринчидан об-хаво шароити шоли экини учун ўта қулай бўлмай хаво ўта иссиқ нисбий намлик кам шолিপоядаги буғни парланиш даражаси юқори вегитация даври чекланган ер майдонлари ҳамда суғоридиган сувлар асосан тўрланган.

Иккинчидан, ерларимиз нотекис бўлиб, уларни текислашга ҳамда навлар бойича хосил етиштиришда технологияларга тўлиқ амал қилинмайди. Шунингдек сўнги йилларда шолчилик бўйича илмий тадқиқотлар қолами камайиб халқаро шолчилик ютуқлари ҳамда маҳаллий илғор технологияларни қўллаш давр талабига мос келмай қолмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: Интенсив технология, аниқ қишлоқ хўжалиги юритиш тизимини ривожлантириш мақсадида кузги буғдойдан кейин шолининг ўртапишар “Искандар” ва “Тарона” навларини кўчат усулида экиш муддати, схемаси, кўчат сонини ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлик ва унинг сифатига таъсирини аниқлашдан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг вазифалари этиб такрорий кўчат усулида етиштириш учун тайёрланган шолининг “Искандар” нави кўчатларини мақбул экиш схемаси, кўчат сони ва экиш муддатини аниқланди, такрорий кўчат усулида турли экиш схемалари, кўчат сони ва экиш муддатларини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва уларнинг илдиз, вегетатив қисмига ҳамда қуруқ массасига таъсирини аниқланди, турли экиш схемалари, кўчат сони ва экиш муддатларини ўсув давомийлиги, ҳосилдорликнинг биометрик кўрсаткичлари ва дон сифатига таъсирини аниқланди, аниқланган мақбул экиш схемаси, кўчат сони ва экиш муддатини иқтисодий баҳолаш ишлари аниқланиб ўз вақтида бажарилди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўтлоқи бўз ва оч тусли бўз тупроқлар, шолининг ўртапишар “Искандар” ва “Тарона” навлари, кўчат усулида етиштиришдаги экиш схемалари, кўчат сони ва экиш муддатлари ҳисобланди.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб шолининг кўчат усулида етиштиришда ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, илдиз ва вегетатив массаси, ҳосилдорлик ва унинг сифатига экиш схемаси, кўчат сони ва муддатининг таъсирини тадқиқ қилиш ҳисобланди.

Иزلанишлар услуби. Шоли экишдан олдин тажриба майдонидаги тупроқнинг ҳажм оғирлиги металл цилиндр ёрдамида, механик ва

микроагрегат таркиби Н.А. Качинский, тупроқдаги чиринди (гумус) миқдори И.В.Тюрин, умумий азот Кьельдаль, умумий фосфор И.М. Мальцева, Л.П. Гриценко бўйича, умумий калий Симмит, харакатчан фосфор ва калий бир фоизли углеаммоний сўримида, азотнинг нитратли шакли Грандвальд-Ляжу усулида, солиштира оғирлиги пикнометр усулида 0-30 см қатламда аниқланади. Дала тажрибалари “Методика полевого опыта по селекции, семеноводству, семеноведению и контролю за качеством семян риса” услубномаси асосида дала тажрибаларида олиб борилди. Маълумотларнинг математик таҳлили Доспехов Б.А. (1985) “Методика полевого опыта” услуби асосида амалга оширилди.

Тадқиқотлар Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ўқув тажриба хўжалиги далаларида олиб борилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида такрорий экин сифатида шолени ўрта пишар “Искандар” схемаси, кўчат сони ва экиш муддатларини хосилдорликка ва унинг сифатига тадқиқ қилиш олинди. Назорат сифатида ўрта пишар-нави олинди.

Тажриба 4 такрорланишда харби бир вариант учун 25 м² майдонда олиб борилди.

Тажриба Майдонидаги Агротехник тадбирлар Ўзбекистон шолчилигининг “Ўзбекистон шароитида шолени кўчат усулида етиштириш технологияси бўйича тавсиялар” (1998) асосида олиб борилди.

Тадқиқотлар кўчат етиштириш учун махсус тайёрланган ер ажратилган майдонига шолни уруғларини 1 майда экиш билан олиб борилди. Тажриба схемасига мос холда орадан 10 кун ўтказилиб 2 муддат, яна 10 кундан кейин учинчи муддатда уруғлар экилиб парваришланди ва 30 кунлик кўчатлар асосий далага қўл кучи ёрдамида вариантларга мос схемада хар бир уяга 1-3та кўчат қадалиб шолни кўчати экилди.

Тадқиқотлар учун шолни ўсимлигининг Ўртапишар “Искандар” наъмуналари танлаб олинди. Ушбу навларни танлаб олиншига асосий сабаб бу нав Ўзбекистон шолчилик илмий тадқиқот институтида яратилган энг серхосил ҳамда технологик сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан бошқа навлардан фарқ қилади.

Экишдан олдин тажриба қўйиладиган дала тупроғи агрохимёвий таҳлилдан ўтказилиб улар қўйдагиларни қайд этган.

Кўчат экиладиган асосий далалар сув ичида тупроққа ишлов бериладиган механизмлар ёрдамида экиш учун тайёрланди ва бунда экиш олдидан 5-3 см қатламда сув билан қопланиб туришга эришилди.

Биринчи озиқлантириш шолининг тўпланиш даврини бошланишда бир гектарга белгиланган йиллик миқдорининг 50 % яъни, гектарга 90 кг азотли ўғит, 60 кг фосфор ва 60 кг калийли, иккинчи озиқлантириш тўлиқ тўпланиш даврида 90 кг азотли ўғит, 60 кг фосфор ва 60 кг калий ўғитлар ҳисобида солинди.

Шоли ўсимликларини ер устки вегетатив массасини ошиб бориши, бўйини ўсиши, тўлиқ униб чиқиши, тупланиш, рўваклаш, мум пишиш, даврларида хар бир вариантнинг икки-қайтариғида белгиланган тартибда 10та ўсимликда аниқланиб борилди.

Такрорий экин сифатида экилган “Искандар” шоли навида вегетация даври ўртача 118 кунни ташкил этган бўлса, назорат вариантыда эса кунни ташкил этди.

Олинган маълумотларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, такрорий экин сифатида экилган шоли навларининг вегетация даври қисқароқ бўлди. Униб чиқиш, тупланиш ва бошқа давлар орасидаги кўрсаткичлар жадалроқ ўтганлиги кузатилди.

Такрорий экин сифатида экилган хар икки шоли навларининг экиш муддати ва экиш схемаларига назар соладиган бўлсак, Андижон вилоятнинг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида экиш муддати 5.07 ва 30x10x2 схемада экилган вариантларда хосилдорлик юқори бўлганлиги кузатилди. Бу ҳолат эса Андижон вилояти об-хаво шароитига мос равишда шоли ҳосилини ёғингарчилик бошлангунга қадар қуришиб олиш имкониятини яратади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” 2017йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сон “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори
3. Эргашев М.А., Асосий ва такрорий экин сифатида шолини кўчат усули билан экишнинг муқобил муддатларини ишлаб чиқиш. // (фан номзодлик дисс.автореферати) Тошкент. 2008. 6-12-б.
4. Абдуллаев А.А. Фарғона водийсида шолини кўчат усулида етиштиришда ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорликка озиқлантиришнинг таъсири. қ.х.ф.н. дисс. 2010 й. 61-66 б
5. Ergashev. M. A. 2005. Effect of transplanting Time on the Growth and Yield of Early and Late Maturing Rice Varieties. Report on Experiments in Rice Research Techniques Course. Tsukuba International Center, JICA. Vol. 9. 121-127-144-150.